

ҲИНД-ОРИЙ ТИЛЛАРИДАГИ СОНЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ЭЛИЗИЯ ҲОДИСАСИ

Нурматов Сирожиддин Султанимуратович

филология фанлари номзоди, доцент

Тошкент давлат шарқшунослик университети

E-mail: sirojiddin2003@yahoo.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада қадимги ҳинд-орий тилларидаги сонларнинг шаклланишида содир бўлган элизия ҳодисаси атрофлича ўрганилган. Янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳиндиј тилидаги сонларнинг шаклланишида элизия ҳодисаси асосан қайси сонларга оид лексемалар таркибида содир бўлганлиги аниқланган. Шунингдек, сонларга хос баъзи лексемалар геменация ҳодиси натижасида шакланганлиги ҳам тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: элизия, геменация, лексема, сон сўз туркуми, саноқ сонлар, қисқа унли товушлар, чўзиқ унли товушлар, ундоши товушлар, нафас ундоши товушлари, церебрал товушлар.

АННОТАЦИЯ

В данной статье подробно исследуется феномен элизия, при образовании чисел в древних индоарийских языках. При формировании чисел в хинди характерном для новых индоарийских языков было определено, какое явление элизия происходило в основном в составе лексем принадлежащих к каким числам. Также было изучено, что некоторые числовые лексемы образуются в результате геменации.

Ключевые слова: элизия, геменация, лексема, имя числительное, количественные числительные, короткие гласные звуки, длинные гласные звуки, согласные звуки, придыхательные согласные звуки, церебральные звуки.

ABSTRACT

This article examines in detail the phenomenon of elisio in the formation of numbers in the ancient Indo-Aryan languages. During the formation of numbers in Hindi characteristic of the new Indo-Aryan languages, it was determined which phenomenon of elisio occurred mainly in the composition of lexemes belonging to which numbers. It has also been studied that some numeral lexemes are formed as a result of gemino.

Keywords: elisio, gemino, lexeme, numerals, cardinal numbers, short vowel sounds, long vowel sounds, consonants, aspirated consonants, cerebral sounds.

Хинд тилшунос олимларининг фикрича, ҳинд-орий тилларида сонларга хос лексемалар ўзига хос равища ривожланган. Айниқса, ҳинд-орий тилларига хос бўлган ўнликларга оид сонларнинг ривожланиши ва уларнинг бошқа тиллардаги сонлардан фарқли равища қўлланилиши ўзига хос хусусиятга эга [5, 585].

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай соҳа вакили кун давомида кўплаб рақам ва сонлардан фойдаланади. Сон ва рақамлардан фойдаланмасдан кўпгина ишларни уddyалаш қийин. 9 та рақам ёрдамида ҳар қандай йирик сонлар айтилиши ва ёзилиши мумкин. Лекин, ҳиндий тилида сонларнинг ўзига хос равища ривожланганлиги билан уларнинг ясалиш усуслари бошқа тиллардаги сонлардан катта фарқ қиласди. Масалан, 42 рақами ёзилганида бундай ҳолларда бу ерда бутун дунё аҳли “қирқ икки” мураккаб саноқ сонига оид лексема назарда тутилаётганини тушинади. Ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳиндий тилида бунинг бер неча вариантларини учратишими мумкин. Ушбу сон адабий ҳиндий тилида **бяъалиис** *baya:li:s* шаклида ифодаланади. Лекин, Ҳиндистонда ушбу сон **баталиис** *bata:li:s*, **дучалиис** *ducha:li:s* шаклида ҳам қўлланилади [4, 85]. Лекин, 42 деб ёзилганида буни ҳамма бирдек тушунади. Бироқ, ушбу лексема турли хил вариантларда қўлланилади. Эҳтимол, рақамлар бўлмаганида сонларга хос лексемаларнинг ривожланишида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлмасди. Демак, сонларга хос ушбу лексемалар орқали тилдаги ривожланиш тамойиллари ҳам маълум бўлади.

Ҳиндий тилидаги **एक** *ek* “бир” дан **दस** *das* “ўн” гача бўлган содда сонлар қаторида ўзгаришлар йўқ. Лекин, “ўн бир” саноқ сонидан бошлаб катта ўзгаришлар содир бўлган. **ग्यारह** *gya:rah* “ўн бир” саноқ сонини олайлик. Ушбу ўнликларга хос бўлган лексема таркибида “ўн” ва “бир” сонларини тўғридан-тўғри топиш қийин. Сонлар таркибида улар қанчалик ўзгариб кетганлиги яққол кўриниб турибди. **बारह** *baarah* “ўн икки”, **तेरह** *terah* “ўн уч” ва бошқа шу қаторидаги сонлар таркибида ҳам содда сонларни ажратиб олиш қийин. Санскрит тилидаги **विंशति** *vinshati* “йигирма” сонининг ҳиндий тилидаги **बीस** *bi:s* шаклини тушуниш мумкин. Қан **बीस** *u:n bi:s* нинг **उन्नीस** *unni:s* шаклини умуман тушуниш ҳамда ушбу сон таркибида “тўққиз” сонини аниқлаш қийин. “Йигирмаликлар”га оид баъзи сонлар қаторида эса **ईस** *i:s* қўшилиб борилади.

Масалан, **иқкис** *ikki:s* “йигирма бир”, **бағс** *bai:s* “йигирма икки” каби сонлар таркибида иштирок этаётган **иғс** *i:s* айнан **бис** *bi:s*, яъни “йигирма” сони маъносини англатади. **छब्बीस** *chabbi:s* “йигирма олти” сони таркибида иштирок этаётган **бис** *bi:s* шаклида **бис** *bi:s*, яъни “йигирма” сонининг ўз шакли сақланган. Яъни, ушбу соннинг шакли ўзгармаган. Натижада ушбу лексема таркибидаги “йигирма” сонини англаш қийин эмас. “Ўттизликлар”га оид **иқтис** *ikti:s* “ўттиз бир” сонида “ўттиз” сони яққол ўз аксини топган. Санскрит тилидаги **चत्वारिंशत्** *chatvarinshat* “қирқ” сони ҳиндий тилида **चालीस** *cha:lis* шаклида ўз ифодасини топган. Лекин, қизифи шундаки **ॐचालीस** *u:ncha:li:s* шакли ўрнига **ॐतालीस** *unta:li:s* “ўттиз тўққиз” шакли қандай ҳосил бўлганлиги эътиборга молик. **चालीस** *cha:li:s* саноқ сони таркибидаги **चा** *cha:* ўрнига **ता** *ta:* қандай содир бўлганлигини ҳам ниҳоятда қизиқ. “**चालीस**” *cha:li:s*, “**तालिस**” *ta:lis*, “**यालीस**” *ya:li:s* шаклларида ҳам шундай ҳолатларни кузатишимииз мумкин. Натижада, “қирқ икки” сони **बयालीस** *baya:li:s* шаклида ўз ифодасини топганлигини қайд этиш даркор. Лекин, панжоб тилида “қирқ икки” сонини **बयालीस** *baya:li:s* деб айтишади. Санскритча **पंचाशत्** *pancha:shat* шаклидан **पचास** *pacha:s* шакли ҳосил бўлган [6, 237]. Лекин, ушбу соннинг эътиборга молик жиҳати шундаки, қоидага кўра “қирқ тўққиз” сони **ॐपचास** *u:n pacha:s* шаклида қўлланилиши керак. Лекин, **ॐपचास** *u:n pacha:s* шакли ўрнига **ॐचास** *uncha:s* шакли ҳосил бўлган. Яъни, ушбу лексемада “**प**” “**र**” товуши элизия ҳодисасига учраган.

“Элликлар”га оид қолган сонлар таркибида **पचास** *pacha:s* умуман ўз кўринишини йоқатади. Масалан, **иқьявн** *ikya:van* “эллик бир”, **ба́вн** *ba:van* “эллик икки” саноқ сонлари таркибидаги “эллик” сонини англатиб келаётган **вн** *van* шакли **पचास** *pacha:s* шаклидан ясала олмайди. Санскрит тилидаги **पंचाशत्** *panchashat* шаклидан **अन्** *an* қолган. Қолган товушлар эса элизия ҳодисасига учраган. Демак, **च** *ch* товушидан олдин **ऋ** *n* товуши ўрнига **ऋ** *n*

товуши ҳосил бўлган ва натижада Əн *an* шакли юзага келган. ۋ *v* товуши қўшилиши нажасида ۋن *van* шакли ҳосил бўлган. Яъни, ىكъявн *ikya:van* “эллик бир” сонидаги ۋن *van* шакли “эллик” сонини англатмоқда.

Хиндий тилидаги тирпан *tirpan* “эллик уч” сонида “پ” р товуши ҳосил бўлган. “Эллик тўрт” сонида эса яна ۋن *van* шакли қўлланилган, яъни چौವن *chauvan*. “Элликликлар”га хос бўлган қолган сонлар таркибида икки марта “пн” *pan* (пчапн *pachpan* “эллик беш”, छபн *chappan* “эллик олти”) ва икки марта “вн” *van* шакллари (سatta:vn “эллик етти”, Əдўавн *atha:van* “эллик саккиз”) ўз ифодасини топган.

Қадимги ҳинд-орий тилларига хос бўлган санскрит тилида “олтмиш” сони षष्ठि *shashthi*, янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳиндий тилида साठ *saath* кўришида шаклланган [4, 86]. “Олтмишликлар”га оид сонлар таркибида ҳам турли ўзгаришлар содир бўлган. Масалан, उनसठ *unsath* “эллик тўққиз” сони юқоридаги сонларга ўхшаб бир кам олтмиш маъноси шаклида ҳосил бўлган. “Олтмишилик”лар қаторига оид бўлган सरसठ *sarsath* “олтмиш етти” сонида ҳам साठ *sa:th* “олтмиш” сонидаги чўзиқ Əп *a:* товуши элизия ҳодисасига учраган ва натижада қисқа Ə *a* унли товуши ҳосил бўлган. Əङ्सठ *arsath* “олтмиш саккиз” сони таркибидаги Əठ *ath* шаклининг ўрнига Əঢ *shakli* юзага келган. Яъни, ушбу лексема қаторидаги ठ *tha* товуши элизия ҳодисасига учраши сабабли унинг ўрнига ଢ *r* церебрал товуши ҳосил бўлган.

Санскрит тилидаги सप्तति *saptati* “етмиш” сони ҳиндий тилида सत्तर *sattar* кўринишида шаклланган [5, 595]. “Етмишиликлар”га оид бўлган бошқа сонлар таркибида स् *s* ундош товуши элизия ҳодисасига учраши натижасида ह् *h* товуши ҳосил бўлган. Масалан, इकहत्तर *ikhattar* “етмиш бир”, बहत्तर *bahattar* “етмиш икки”, तिहत्तर *tihattar* “етмиш уч”, चौहत्तर *chauhattar* “етмиш тўрт”, पचहत्तर *pachhattar* “етмиш беш”, छिहत्तर *chihhattar* “етмиш олти”, सतहत्तर *sathattar* “етмиш етти”, ॲठहत्तर *athhattar* “етмиш саккиз”.

Қадимги ҳинд-орий тилларига хос бўлган санскрит тилидаги Əşriiti *ashi:ti* “саксон” сонидан ҳиндий тилида Əsssi *assi:* шакли ҳосил бўлган [6, 238]. “Саксонликлар”га оид бўлган сонлар таркибида Əsssi *assi:* шакли сақланган. Фақат, қисча Əsssi *assi:* шаклидаги қисқа Ət *a* товуши элизия ҳодисасига учраганиниги сабабли у чўзиқ Ət *a*: товушига ўзгарган ва натижада Əsssi *assi:* шакли ўрнига Əa:ssi *a:ssi:* шакли саксон маъноси ўрнида шаклланган. Жумладан: Əkya:sı *ikya:si:* “саксон бир”, Əyasa:sı *baya:si:* “саксон икки”, Ətira:sı *tira:si:* “саксон уч”, Əchora:sı *chaura:si:* “саксон тўрт”, Əpcha:sı *pacha:si:* “саксон беш” ва ҳоказо.

Санскритча Ənavati *navati* “тўқсон” сонидан Ənavve *navve* шаклининг ҳосил бўлишида ҳам элизия ҳодисаси юз берган. Ənavati *navati* шаклидаги Ə i қисқа унли товуши ҳам, Ət *t* ундош товуши ҳам йўқолган. Фақатгина Ə n *n* ва Əv *v* товушлари сақланган. Ənavati *navati* шаклидаги Əv *v* товуши янги ҳинд-орий тилларидаги ҳиндий тилига келиб лигатура шаклида ўз ифодасини топган. Ət *a* ва Əi *i:* товушлари қўшилиб Ə e унли товуши ҳосил бўлган. Ənavve лексемасида Əv *v* товушининг икки марта қайтарилиши натижасида геминация ҳодисаси ҳам юз берган. “Тўқсонликлар” қаторига оид бошқа сонлар шаклланишида Ənavve *navve* шаклидаги геманация ҳодисаси натижасида ҳосил бўлган Əvv *vv*, яъни лигатура шаклидаги иккита Əvv *vv* товушлари яна элизия ҳодисасига учраган ва натижада битта Əv *v* товуши ҳосил бўлган. Масалан, Əkyanavve *ikyan:ve* “тўқсон бир”, Əbanavve *ba:nve* “тўқсон икки”, Ətiranavve *tira:nve* “тўқсон уч”, Əchoranavve *chaura:nve* “тўқсон тўрт”, Əpchanavve *pacha:nve* “тўқсон беш”, Əchiyanavve *chhiya:nve* “тўқсон олти” ва ҳоказо.

Юқорида олиб борилган таҳлил натижаларга қўра қўйидаги хулосаларга келинди:

1. Янги ҳинд-орий тилларига хос ҳиндий тилидаги “бир” дан “юз” гача бўлган саноқ сонлар лингвистик жиҳатдан ўрганилиши натижасида уларнинг

шаклланишида аксарият сонларга оид лексемалар таркибида элизия ҳодисаси содир бўлганлиги аниқланди.

2. Санскрит тилидан то ҳиндий тилигача бўлган давр мобайнида сонлар таркибида турли фонетик ўзгаришлар юз берган. Хусусан, “ўттизликлар”, “қирқликлар”, “элликликлар”, “олтмишликлар” ва “етмишликлар”га оид бўлган сонлар таркиби ҳам унли, ҳам ундош товушларнинг элизия ҳодисасига учраши натижасида шаклланганлиги маълум бўлди.

3. Ҳозирги адабий ҳиндий тилидаги “саксонликлар”га оид лексемаларнинг таркибида қолган ўнликларга оид сонларнинг шаклланишидан фарқли ўлароқ элизия ҳодисаси нисбатан кам содир бўлган. Ҳиндий тилидаги “тўқсонликлар”га оид сонларнинг шаклланишида нафақат элизия ҳодисаси, балки унинг таркибидаги баъзи лексемалар геменация ҳодиси натижасида шаклланганлиги ҳам аниқланди.

4. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, элизия ҳодисаси бошқа сон турларига оид лексемаларга нисбатан асосан саноқ сонларнинг шаклланишида кўп содир бўлганлиги, натижада, саноқ сонлар қадимги ҳинд-орий тилларидан то янги ҳинд орий тиллари давригача бўлган давр мобайнида кўплаб фонетик ўзгаришлар асосида шаклланиб ривожланганлиги кузатувлар асосида маълум бўлди.

REFERENCES

1. Кочергина В.А. Санскрит. –М.: Академической Проект, 2007.
2. Липеровский В.П. Именные части речи языка хинди. -М.: Наука, 1978.
3. Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш (1-қисм). –Т.: ТошДШИ, 2003.
4. किशोरीदास वाजपेयी – भारतीय भाषाविज्ञान (भारतीय भाषाओं का विश्लेषण और वर्गीकरण)। -वाराणसी, 1959.
5. भोलानाथ तिवारी - हिन्दी भाषा। -इलाहाबाद, 1972.
6. हरदेव बहरी। भाषा का विकास। -दिल्ली, 1992.